

ХАБАРЛАР

Украина Россиянинг чегарадан 2500 км узоқликдаги Омск нефт завоидига зарба берди

дақиқа аввал



Украин дронлари Омск нефтни қайта ишлаш завоидига зарба берди. Омскдаги завод Сибир ичкарасида жойлашган бўлиб Россиянинг энг йирик нефтни қайта ишлаш заводларидан бири ҳисобланади.

Маҳаллий ҳукумат ҳужум бўлганини тасдиқлади.

Ҳудудда тасвирга олинган гувоҳлар видеосида саноат ҳудудидан аланга ва қора тутун кўтарилаётгани кўринади.

Омск вилояти губернатори Виталий Хоценко вилоят украин дронлари ҳужумига учрагани ҳақида баёнот берди. Губернаторнинг қўшимча қилишича, Россия

Мудофаа вазирлиги "учиб келаётган дронларнинг асосий қисмини йўқ қилган".

Унинг сўзларига кўра, ҳалок бўлган ва жабрланганлар йўқ.

Украина Куролли кучлари Бош штаби ҳам бу ҳужумни тасдиқлади.

Омскдаги нефт заводи Украина чегарасидан 2500 километр нарида жойлашган. Расмий Киевнинг маълум қилишича, эҳтимол бу уруш бошланганидан бери Украина томонидан амалга оширилган энг узоқ масофали ҳужумлардан биридир.

Омскдаги зарбадан кейин шаҳар ва вилоятдаги ёқилғи қуйиш шохобчаларида ёқилғи учун километрларга чўзилган навбатлар юзага келди.

Омск нефтни қайта ишлаш заводининг қуввати йилига тахминан 21 миллион тоннани ташкил қилади.